O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Қалби пок хилқатсан, ажиб дунёли, Гўзаллик тимсоли — ўзбек аёли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 8 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 20 (7215)

**Da'vat**

**Аёлларни севинг ва иззат қилинг; улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.**

**Жузеппе МАДЗИНИ**

**Ibrat**

**Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Соғлом авлод" давлат дастурини кенг кўламда амалга ошириш мақсадида Тошкент вилоятида ҳар ойнинг биринчи пайшанбаси "Мактаблар ва боғчалар куни" этиб белгиланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!
Азиз опа-сингиллар!
Мунис ва лобар қизларимиз!

Барчангизни зеболик ва нафосат айёми – 8 март байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу гўзал айёмнинг илк баҳор кунларида байрам қилиниши бежиз эмас. Чунки Баҳор ва Аёл тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу икки сўз замирида ҳаёт абадийлигига ишонч, меҳр-муҳаббат, покиза орзу-умидлар мужассам.

Аёл зоти Оллоҳ таоло яратган табиатнинг энг буюк мўъжизаси, деган фикрда теран маъно бор.

Авваламбор, аёл – ўзининг бетакрорлиги билан мўъжиза.

Аёл – ўзининг гўзаллиги билан мўъжиза.

Аёл нафақат оилада, балки бутун жамият ҳаётида меҳр-муҳаббат, оқибат, аҳиллик муҳитини қарор топтириши билан мўъжиза.

Аёл зотининг ҳаётни давом эттиришдек қудрати, оналик синоатининг ўзи улуғ бир мўъжиза эмасми?

Оқ сути билан янги-янги авлодлар қалбига ўз юртига меҳр ва садоқат, ҳалоллик ва фидойилик фазилатларини сингдира олиши аёл буюклигининг яна бир ифодаси эмасми?

Мухтасар қилиб айтганда, аёл инсонни инсон, оилани оила қиладиган, ҳаётни гўзаллик ва меҳрибонлик билан нурафшон этадиган мўътабар зотдир.

Аждодларимизнинг аёлларга нечоғли ҳурмат ва меҳр билан иззат-икром кўрсатгани барчамизга яхши маълум. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган бу эзгу фазилатлар миллатимизнинг қон-қонида яшаб келмоқда.

Бу бизнинг ана шу азалий қадриятларга содиқ бўлиб амалга ошираётган бугунги хайрли ишларимизда намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Аёллар йили муносабати билан белгилаган тадбирларимиз бир ёки бир неча йил билан чекланмайди, албатта. Уларни изчил давом эттириш, бу борадаги орзу-умидларимизни рўёбга чиқариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Биз буюк келажагимизни яратиш, ҳаётимизни фаровон ва ёруғ қилиш мақсадида қандай ташаббус бошламайлик, бу эзгу интилишларимизда аввало муҳтарам аёлларимизга таянамиз.

Инсон манфаатлари йили деймизми, Оила йили деймизми, Соғлом авлод йили деймизми, бу борадаги дастур ва режаларимизнинг рўёбга чиқиши биринчи галда аёлларимизга, уларнинг ақл-заковати, жасорати ва фидойилигига боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда аёлларимизнинг фаоллиги, жамият ҳаётида ўз ўрнини топаётгани, Оллоҳ таоло уларга ато этган барча фазилатларни тўла намоён қилаётгани «Аёл дунё бешигини тебратади», деган ҳикматнинг тасдиғи эмасми?

Энг муҳими, мен ватандошларимга, халқимизга яна бир бор шуни айтмоқчиман: биз ўзимиз танлаган эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, кўзлаган мақсад-муддаоларимизга етиш, халқимизнинг руҳини уйғотиш йўлида эзгу қадриятларимизни таянч деб билиб, улардан ҳамиша маънавий куч-қудрат оламиз.

Бу қадриятлар замиридаги аёлга ҳурмат, аёлга эҳтиром туйғулари жамиятимиз маданий савиясини, унинг маънавиятини янги босқичга кўтаришга, инсоний фазилатларимизни янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ишонаман.

Биз бу олижаноб йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Муҳтарама оналар, қадрли опа-сингиллар!
Дилбар қизларим!

Сизларни яна бир бор улуғ айём – халқаро Хотин-қизлар байрами билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ҳаётимизни маъно-мазмун билан тўлдириб, умр йўлларимизни мунаввар этиб келаётган сиз – азизларга ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқ-насибангиз доимо бутун бўлсин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларимиз бахтига ҳамиша омон бўлинг!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## ЎЗБЕК АЁЛИ

*Истагим бир умр ортсин камоли,*
*Кам бўлмасин ҳаргиз бахту иқболи,*
*Сўзласа тилидан тўкилар боли,*
*Барчинойдек сулув, жуда иболи,*
*Ўз қадрини билган иффат-ҳаёли,*
*Бу юксак баҳоли — ўзбек аёли.*

*Табиат инъоми ундаги чирой,*
*Малоҳатда тенгсиз, латофатга бой,*
*Баҳслашолмай унга ҳатто тўлин ой,*
*Қизариб, уфққа бош қўяр ҳойнаҳой,*
*Она сайёрамиз кўрки мисоли,*
*Гўзаллик тимсоли — ўзбек аёли.*

*Гўё ўз борлиғин бергандек фалак,*
*Соч қаро тун, қошлар эгик камалак,*
*Унга тенг келолмай зуҳро жон ҳалак,*
*Гоҳ шом маликаси, гоҳ тонгги малак,*
*Ҳа, кўк чўлпонин лол этган жамоли,*
*Ҳусни маҳлиёли — ўзбек аёли.*

*Меҳридан баҳраманд барча дўсту ёр,*
*Юртда ҳар жабҳада, ҳар ишда илғор,*
*Оилада эса мудом тадбиркор,*
*Умр йўлдошига садоқати бор,*
*Фарзанду ёрида фикру хаёли*
*Ишқига вафоли — ўзбек аёли.*

*Синглимсан, опамсан, онаизорим,*
*Қизимсан, ёримсан, қувват-мадорим,*
*Сизлар бор, мафтункор сўлим диёрим,*
*Норсубҳонга илҳом берган дил торим,*
*Қалби пок хилқатсан, ажиб дунёли,*
*Оҳ, ўзбек аёли — ўзбек аёли.*

**Норсубҳон ДЎСТЁРОВ,**
**Косон туманидаги лицей-интернат ўқитувчиси**

**Ehtirom**

## СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

Ўзбек тилида қайси сўз энг кўп ишлатилади? Сўзларнинг ичида қайсиниси энг улуғи, энг залворлиси? Қайси сўз энг муқаддас тушунчаларга қўшиб ишлатилади? Яхшиликларнинг энг сараси, энг кўпи қайси сўз соҳибига қилинади? Қайси сўз энг,энг, энг муқаддас...

Беш ёки олти яшар эдим. Болалар билан ўйнаб юриб, қамишзорда адашиб қолдим. Оёғимни ўқловдай илон ўраб олди. Овозимни тиндирмасдан бақиргандим: "Онажо-он, О-Она...".

Мактабимиз уйимиздан бир чақиримча узоқликда эди. Йиқилиб тушиб, ўзимни йўқотибман. Уйга хабар беришибди. Уйда эса ҳеч ким бўлмаган, онамдан бўлак. Кўзимни базўр очдим. Кимдир кўтариб келяпти. Терга пишиб кетган, ҳаллослаган (шунча масофадан-а). Кўзимни каттароқ очдим ва оҳиста инградим: "Онажон...".

Мактабни битирар чоғим. Бир куни ярим тунда уйғониб кетдим. Истимам бор, қўл-оёқларим қаттиқ оғрияпти. Дўхтир чақиришди. Ичган дориларим кор қилмади. Мен яхшиман, деб ҳаммани алдадим, аммо онамни алдай олмадим. Ҳамма ухлади, фақат онам ухламади. Бошимга келди:

—Алла айтиб берайми, болам?

—Айтинг... (17 ёшимда-я!).

Кўзларимдан ёш тирқиради. Кейин ...ухлаб қолибман.

Биринчи йил Тошкентга ўқишга киролмадим. Кўрган-билганлар айтарини айтди. Фақат онам кўп йиғлади...

Иккинчи йил яна ўқишга киролмадим. Яна кўрган-билганлар айтарини айтди. Яна онам кўп йиғлади...

Ҳарбийга отландим. Ҳамма билан кулиб хайрлашдим. Фақат... ўзим ҳам йиғлаб юбордим онамнинг кўзларидаги жиққа ёшни кўриб.

Ҳарбийдан қайтдим. Ҳамма хурсанд кутиб олди. Онам (қувончдан) йиғлаб юборди...

Сўнг ўқишга кирдим. Бундан энг кўп онам қувонарди. Тезда унинг ҳузурига чопдим. Бу пайтда онам оёғи оғриб, сиҳатгоҳда даволанарди. Хонасига, 6-қаватга кўтарилдим. Хонасида йўқ экан. Келганимни эшитиб, муолажани ташлаб, 6-қаватга югуриб чиқибди... Кўз ёшлари оқаётган онамнинг бағрига ўзимни отдим.

Ўқиш даврида ҳар шанба куни дарсдан чиқиб уйга отланардим. Кўп ҳолларда транспорт бўлмай, кеч қолардим. Бир сафар биз ўтирган машина бузилиб, уйга тунги соат 3 ларда кириб бордим. Ҳеч ким безовта бўлмасин деб, деразадан ошиб тушдим. Кийимларимни ечиб, ухлагани ётдим. Шунда эшик тирқишидан одам шарпаси кўринди. Ўрнимдан туриб пойладим. Онам ...

(Давоми 2-бетда)

## ТЎҒРИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛ!

**2000 yil — Sog'lom avlod yili**

Фарзанд камолини кўриш, унинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши ҳар бир ота-онанинг орзуси, нияти. "Болам ақлли бўлсин, болам соғлом бўлсин, болам ёмон одатларга ўрганмасин", — деб айтаверамизу, ўз юмушимиздан ортиб, баъзида уларнинг ёмон одатлардан қайтаролмаймиз. Шу ўринда бир латифани келтириб ўтиш жоиз.

Ота ўғлига "Ўғлим, мана сен 17 ёшга тўлдинг, энди чекишни бошлайверсанг ҳам бўлади", - дебди.

Шунда ўғил "Дада, нима деяпсиз, чекишни ташлаганимга 2 йил бўлди-ку", - деб жавоб қайтаради.

Сўзимиз нима ҳақида боришини англагандирсиз. Бу йил "Соғлом авлод йили". Жойларда ушбу йилда қилинаётган ва қилинадиган ишлар ҳақида жар солинмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Бритиш Американ Тобакко—Ўзбекистон" қўшма корхонаси бундан 2 йил муқаддам ажойиб ва айни пайтда керакли бир ғоя билан чиқди. Корхонанинг ташаббуси билан "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур аввал, фақат чекувчи ўсмирларни дунёқарашини ўзгартириш, уларни ёмон одатдан халос қилиш мақсадида ишлаб чиқилиши керак эди.

Лекин муаллиф, педагогика фанлари доктори, профессор Д. Шарипованинг изланувчан ва ижодкорлиги сабабли дастур ўсмирлар учун, уларнинг келажакда ўз йўлини топиши, мустақил фикрга, эга бўлишлари учун яратилган муҳим қўлланма бўлди. Дастур яна шуниси билан муҳимки, бунда биргина корхона эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" жамғармаси, Республика "Оила" илмий-амалий маркази, Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳам фаол иштирок этди.

Яқинда "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" дастурининг II-босқич якуни бўлиб ўтди. Ушбу тадбирнинг биринчи куни дастурда иштирок этаётган мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари Темурийлар тарихи давлат музейига, А. Навоий номидаги Давлат Академик катта опера ва балет театрига ташриф буюрдилар. Театрда "Насриддиннинг ишлари" балетини қизиқиб томоша қилдилар.

Тадбир республика ўқувчилар саройида вилоятлардан келган меҳмонлар, Республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Республика илмий-амалий марказининг директори О. Мусурмонова, Республика ёшлари "Камолот" жамғармаси раиси Х. Абдураимов, «Бритиш Американ Тобакко—Ўзбекистон» қўшма корхонаси вакили Алишер Бекулбеков ҳамда дастур муаллифи Д. Шариповалар билан учрашдилар.

(Давоми 4-бетда)

**Saxovat**

## БУ ЖОЙГА ТЕЗ-ТЕЗ КЕЛИБ ТУРАМИЗ

**дейишди пойтахтдаги 41-мактаб ўқувчилари**

Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Феруза Тошхўжаева ўқувчиларини ногирон болалар тарбияланаётган билим масканига олиб борди.

— Ўқувчиларимни ногирон болалар тарбияланаётган бирор масканга олиб борсам, улар ўз тенгдошларини кўриб, зора ўзига бўлган эътиборни оширса, деб ўйладим, — деди Феруза опа. — Синфга ота-оналарни йиғиб, уларга мақсадимни тушунтирдим. Улар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватладилар. Ота-оналарга бу йил "Соғлом авлод йили" эканлигини, фарзандларимиз соғлиғига барчамиз масъул эканлигимизни айтдим. Махсус мактаб-интернатда тарбияланаётган болалар учун совға-салом олиб борсак, деган фикрим ҳам ота-оналарга маъқул келди. Фарзандларимиз биздан шунда меҳру саховатни, очиқкўнгиллик ва очиққўлликни ҳам ўрганарди, дедим.

Эртаси куни ўқувчиларим уйдан ота-оналари бериб юборган нарсаларни олиб кела бошладилар. Алишер Ниёзов исмли бир ота (тикувчилик цехининг директори) ўғлидан 10 та нимча-шим, Алишер Жалолов 4 та мактаб либоси, Ўлмас Саиджонов бир қути шоколад ва бир дунё ўйинчоқлар бериб юборишибди. Деярли барча ота-оналар илтимосимни ерда қолдирмай, бири қалпоқ-шарф, бири шим, бири 500-600 сўм пул билан ўз ҳиссасини қўшди. Йиғилган пулга ўқувчиларнинг ўзлари турли ширинликлар олиб келишди.

24 нафар ўқувчи билан 100-мактаб-интернатга бордик. У ерда бизни яхши кутиб олишди. Интернат жамоаси ташрифимиздан аввал ҳайрон бўлишди. "Сизлар адашиб кириб қолгансизлар" ҳам дейишди. У ерда 225 нафар ўқувчи тарбияланар экан. Биз ўқувчилар билан синфхоналар, ётоқхона, дам олиш хоналарини кўриб чиқдик. У ердаги озодалик, саранжом-саришталик, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг болаларга меҳрибонлигини кўриб ҳавасимиз келди. Тарбияланаётган болаларнинг одоби, улар бажараётган ишлар ҳаммаси ўқувчиларимда катта таассурот қолдирди.

Интернатдан қайтгач, ўқувчилар ўша ерда кўрганларидан қандай хулоса чиқарганини айтсам ишонмайсиз. "Устоз яна уларни кўргани борайлик. Устоз, улар бутунлай тузалиб кетишадими? Устоз, мен катта бўлсам уларга яна кўп-кўп совғалар олиб бораман. Устоз, ўртоқларимизнинг олдига борсак, дадам яна шим, куйлак олиб берар экан, дадамдан сўрадим, ўша ердаги болаларга яна ўйинчоқ ва конфетлар берар экан". Интернатга бориб келганимиздан сўнг улар ўз соғлиқларига, ота-оналарининг қадрига ҳам етадиган бўлиб қолдилар.

— Мен, — деди 3-синф ўқувчиси Беҳзод. — энди ота-онам, устозим айтганларининг ҳаммасига амал қиламан. Совуқ кунда бошяланг юрмайман, баланд жойлардан сакрамайман, менинг икки қўлим, икки оёғим бутун. Мактабда аъло ўқишга ҳаракат қиламан, сабабсиз дарс қолдирмайман. Уйда ойижонимга кўмаклашаман. Катта бўлганимда интернатдаги ўқувчиларга совға-салом олиб бораман.

Бола онгида мурғаклигидан бошлаб ҳаёт ҳақидаги тушунчалари шаклланиб боради. Эшитганлари асосида эмас, кўпроқ кўрганлари асосида хулоса чиқаради.

Бу ишни ҳамма ўқитувчилар қилиши мумкин, назаримизда, қилиши шартдек ҳам. Болани тарбиялашда фақат гап-сўз билан эмас, балки кўз билан ҳам тарбиялаш мумкиндир. Барибир, кўрган эшитгандан яхши-да.

Феруза Тошхўжаеванинг бу тарбияси нима берди? Энг аввало, 3-синф ўқувчиси тафаккурида бурилиш ясалди, улар дунёнинг биринчи паст-баландини кўрди. Ўқувчилар ҳали жуда ёш. Улар тафаккури яна кўп бор ўзгаради. Хотиралар кўпаяди. Уларнинг эзгу ва савоб иш қилишга ундаган биринчи хотиралари 100-мактаб-интернатга қилинган ташриф бўлиб қолиши шубҳасиз.

**Шарифа МУРОДЖОН қизи**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рангли металлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда четга ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони чиқди.**

**• "Қишлоқ хўжалиги экинларини баҳорги экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда 2000 йилда давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳининг Жиззахда бўлиб ўтган йиғилишида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳамда бу ишда ҳуқуқ-тартибот органлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари фаоллигини таъминлаш ҳақида сўз борди.**

**• Россия президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путиннинг британиялик журналистга берган интервьюсида "Агар НАТОнинг манфаатлари Россияникига мос келса, Россия НАТОга қўшилиши мумкин" деган гаплари кўпгина, асосан ушбу альянсга аъзо мамлакатларда қизғин муҳокамага сабаб бўлди.**

**• Исроил ҳукумати Жанубий Ливандаги ҳарбийларни 2000 йил июлга қадар халқаро чегарага олиб чиқиш тўғрисида қатъий қарорга келиб, бу тадбирнинг Сурия ва Ливан ўртасидаги келишув доирасида амалга оширилишини хоҳлаётганлигини, агар шундайин келишув имзоланмайдиган бўлса, Исроил ҳукумати бунга "муқобил йўл" топажагини маълум қилди.**

# СЕН БАРИБИР МУҚАДДАССАН...

(Боши 1-бетда)

Мен ўзимнинг ташвишларимни ўзимдан эмас, онамдан эшитгим келади. Сабаби у ҳаммасини хотирасида сақлайди. Кунлар, ойлар, қачон ва қандай бўлганини ҳам билади. Булар бир фарзанднинг ташвиши. Оналаримиз эса серфарзанд — беш-олтита, саккиз-тўққизта, ўн бир-ўн иккита...

Яна ҳаёт аталган зил-замбилни орқалаб аёл олдинга интилаверади. Ундаги сабр, бардош, ирода... Буларнинг ҳаммаси Онага, Аёлга тегишлидир.

Бу ном шундай сеҳрлики, ҳали нима гапираётганимизни англамай турибоқ, англагандай гапираверамиз. Онанинг сеҳрли нафасларига интиламиз. Бу шундай зот — Она. Тилимиз ҳам она сўзини айтиш билан ҳузурланади.

Ҳали айтилмаган гапларимиз қанча. Эҳ-ҳе, олам бино бўлибди-ки, она мадҳига сўз яралгандир.

Ўзбек халқининг энг кўп ишлатиладиган сўзи — Она. Волидамизни она деймиз. Ватанимиз — Она-ватан, тупроғимизни — Она-тупроқ, она-юрт, она-сайёра, она-қуёш. Она-халқим деган эди шоирлардан бири. Она-тилим дейди яна бир шеърида. Ҳаммаси муқаддас тушунчалар, муқаддас сўзлар. Уларга она сўзининг қўшиб ишлатилиши англашнинг, тушунишнинг яқинлашувидир. Шунинг ўзи муқаддасликдан нишона эмасми?

**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# ОНАЛАР УЛУҒЛАНДИ

*Тошкент шаҳрининг Бектемир туманидаги Марказий кутубхонада "Миришкор" маҳалласи мактаблар ҳамда мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлигида турли тадбирлар ўтказилиб турилади. Бу ерда яқинда 8-март Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган "Жаннат оналаримизнинг оёғи остидадир" мавзусида бадиий кеча бўлиб ўтди. Ушбу кечани туман маданият бўлими бошлиғи Б.Исмоилова очиб берди. Байрамга тумандаги барча таълим муассасалари раҳбарлари, тарбиячилар, маданият ходимлари, маҳалла фаоллари таклиф этилди. "Миришкор" маҳалласининг раиси Равшан Исоқов азиз онажонларимизни, опа-сингилларимизни 8-март байрами билан муборакбод этди. Туман маданият бўлими ходими Муҳаббатхон Назарова ҳам аёлларимизни баҳор ва бахт байрами билан табриклади. Бектемир тумани маданият бўлимида ташкил этилган "Истамбул", "Ойхон" дасталари катта байрам дастурини намойиш этиб, кечага ўзгача файз киритди. Тумандаги 293-мактаб ўқувчилари ва 580-болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам онажонларни байрам билан қутладилар.*

**Мавлуда МАМАТХЎЖАЕВА,**
**Бектемир тумани марказий кутубхонаси ходими**

# "ГУЛШАН"ДА ШОДИЁНА

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 534-"Гулшан" болалар боғчасига қадам ранжида қилишимиз билан фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг илиқ нафаси руҳимизга хуш кайфият бағишлади.

Кичкинтойлар масканида бугун катта тантана. Кенг ва ёруғ хона мунис онахонларни мадҳ этувчи шиорлар, турфа гуллар ва шарлар билан безатилган. Бу ерда Халқаро хотин-қизлар куни — 8-март айёмига бағишлаб эрталик ўтказиляпти. Мусиқа раҳбарлари Ирода Маликова ва Феруза Шомуротовалар тайёрлов, катта, ўрта ва кичик гуруҳ ширинтойлари билан шодиёнага алоҳида ҳозирлик кўришган.

Миллий либослар — беқасам тўн, яктак, атлас куйлак кийган жажжи ўғил-қизлар турфа рақсларни ҳамда Ватан, она, болаларни улуғловчи шеърларни ижро этдилар.

Катта тарбиячи Ризада Булатова раҳбарлигидаги аралаш гуруҳ (3 ёшдан) тарбияланувчилари онажонлар байрамини ўзгача тайёргарлик билан қарши олаётирлар.

— Гуруҳда 43 нафар ўғил-қиз бўлса, — деди Ризада Булатова, — барчасининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида шеър, қўшиқ саҳна кўринишини ижро этишларига ҳаракат қилдим ва мақсадимга эришдим.

Онажонлар байрамига атаб ўтказилган эрталик унинг иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Дилбар ХЎЖАЕВА.**

***Суратда:** Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган эрталикдан лавҳа акс этган.*



Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

Tadbir

# "ОНАЖОН — КАЪБАМ ЎЗИНГ"

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 200-мактабда "Соғлом авлод йили» га ва 8-март халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган "Онажон— каъбам ўзинг" мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Мактаб раҳбарияти, ўқитувчилар, ота-оналар ва маҳалла оқсоқоллари қатнашган бу тадбирда она деган улуғ зот кўкларга кўтарилди, мадҳ айланди.

Мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси Қаршигул Норқулованинг соғлом авлодни вояга етказиш мавзусидаги маърузаси тўпланганлар диққатини ўзига тортди.

— Тарбиянинг илдизи оила, маҳалла, қолаверса, боғча-мактабда бериладиган таълим-тарбиядадир, — деди муаллима.

Сўнг, "Тинчлик" ва "Хайробод" маҳалласи оқсоқоллари Бахтиёр Тўлаганов ҳамда Ислом Исроиловлар сўзга чиқиб, шу мактабнинг энг аълочи ва иқтидорли болаларига маҳалла стипендияларини топширишди. Байрам тадбири эса оналаримизни мадҳ этувчи қўшиқ билан давом этди. Ўқувчилар ижро этган куй-қўшиқлар рақслар, айтган шеърларидан ҳаяжон тўкилиб турди.

Мактаб қошидаги "Истиқлол ғунчалари" дастаси, қолаверса, уни ташкил қилган ўқитувчиларга маъмурият томонидан катта миннатдорчилик билдирилди.

Мактаб жамоасининг асосий қисмини ташкил этувчи хотин-қиз мураббийларнинг тадбирда тўлиқ иштирок этиши унга файз бағишлади.

**Дилфуза ТОШКЕНБОЕВА,**
**Тошкент шаҳридаги 200-мактаб ўқитувчиси**

# ОЧИҚ МАШҒУЛОТ

*Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 185-болалар боғчасида 320 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир. Мазкур масканда таълим-тарбия иқтисодий таълим ва илк математик тасаввурни ривожлантиришга йўналтирилган.*

*Яқинда боғчада тайёрлов ва кичик гуруҳ тарбияланувчилари билан янги педагогик технология — ТРИЗ услубининг қўлланилиши бўйича очиқ машғулот ўтказилди. Нигора Бадалова раҳбарлигида олиб борилган машғулотда туман халқ таълими бўлими вакиллари, боғча мудиралари, тарбиячилар иштирок этдилар.*

**Исроил НАБИЕВ**

Лойиҳа

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи инспектор-методисти тўғрисида

# МУВАҚҚАТ НИЗОМ

### 1. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи инспектор-методисти (кейинги ўринларда "Ҳудудий инспектор") давлат хизматчиси ҳисобланади.

1.2. Ҳудудий инспектор ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунларига, мамлакат Президентининг Фармон ва Фармойишларига, Ҳукумат қарорлари, Халқ таълими вазирлиги қарорлари ва буйруқларига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

1.3. Ҳудудий инспектор ўз фаолиятида демократия, ошкоралик, аниқлилик тамойилларига амал қилади.

1.4. Ҳудудий инспектор фаолиятининг асосий мақсади:

— бириктирилган ҳудудда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида давлат сиёсатининг тамойилларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш;

— ҳудудда халқ таълимини ривожлантиришга қаратилган дастур ва тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш;

— ҳудудда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боришда, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашда халқ таълими бошқарув органлари ва таълим муассасалари жамоаларига амалий ёрдам беришдан иборат.

### 2. Ҳудудий инспекторнинг асосий вазифалари ва иш фаолиятининг мазмуни

2.1. Ҳудудий инспектор ўз олдига қўйиган мақсадлари асосида вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари, республика тасарруфидаги ташкилотлар, ҳудудлардаги таълим бошқаруви органлари ходимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонунчилиги ижросини таъминлашда ҳамкорлик қилади.

2.2. Вазирлик раҳбарияти топшириғига асосан ҳудудда жойлашган таълим бошқаруви органлари ва муассасалари ишини ўрганади, таҳлил этади, жамоаларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган гуруҳлар фаолиятини режалаштиради, мувофиқлаштиради ва ташкил этади.

2.3. Ўзининг ваколати доирасида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

2.4. Ҳудудда таълимни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларининг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мослиги, таълим соҳасидаги қонун, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг ижроси, иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, кўрик-танловлар натижалари, таълим ходимларининг ижтимоий ҳимояси, моддий-техника негизининг мустаҳкамланиши, маркетинг тизими ва бошқалар) бўйича мониторингни олиб боради.

2.5. Ўз соҳасига оид янгиликларни ва иш тажрибаларни, шу жумладан, янги педагогик технологияларни ва чет эл илғор тажрибаларини доимий равишда ўрганади, ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашади ҳамда билим даражасини такомиллаштириб боради. Вақтли матбуот, радио ва телевиденияда чиқишлар қилади.

2.6. Ҳудуддаги халқ таълими бошқаруви органлари фаолиятларини такомиллаштириш, ҳудудда таълимни ривожлантириш бўйича мустақил эксперт хулосалар тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун раҳбариятга киритади, халқ таълими бошқарув органлари рейтингини аниқлашда фаол иштирок этади.

2.7. Мониторинг натижалари асосида таълим муассасалари ва халқ таълими бошқарув органлари учун тегишли аналитик, методик, диагностик ва бошқа таҳлилий материалларни тўплаб нашр этишни ташкил этади.

2.8. Амалдаги қонунчилик ва ўз ҳуқуқи доирасида жойлардан келган хатлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқишда, фуқаролар қабулида иштирок этади.

### 3. Ҳудудий инспекторда бўлиши шарт бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар

Ҳудуддаги таълим тизимига оид қуйидаги ҳужжат ва маълумотлар ҳудудий инспекторда бўлиши шарт:

— Халқ таълими бошқармаси(Қорақалпоғистон Республикасида - вазирлик), туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларининг истиқбол йиллик иш режалари, ривожланиш дастурлари, йиллик ҳисоботларининг нусхалари;

— бошқарма ходимларининг иш тақсимоти;

— бошқарма ҳайъатида қабул қилинган асосий қарорлар нусхалари, улар ижросининг мониторинги;

— мавжуд таълим муассасалари тизими (халқ таълими бўлимлари, улардаги таълим муассасалари, ўқувчилар ва тарбиячилар сони, мактабдан ташқари муассасалар сони ва улардаги мавжуд тўгараклар ва бошқалар) тўғрисида маълумотлар;

— таълим муассасаларининг ўқув-моддий базаси (биноларнинг ҳолати, спорт базаси, тиббий хоналари, овқатланиш жойлари, меҳнат дарсларини ўтказиш ҳолати ва бошқалар) тўғрисида маълумотлар;

— халқ таълими бўлимларининг таркиби, кадрлар билан таъминланганлиги, ташхис марказларининг кадрлар билан таъминланганлиги ва моддий базаси тўғрисида маълумотлар;

— умумтаълим муассасаларининг малакали ўқитувчилар билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар;

— Халқ таълими бошқармаси ва бўлимларининг раҳбарлари ҳақида маълумотлар;

— таълим муассасаларидаги турли йўналишлар, янги технологиялар, илғор ўқитувчилар ва бошқалар ҳақида маълумотлар.

Юқорида қайд этилган маълумотлар статистик маълумотлар ва жойларда ўрганиш асосида тўпланади.

### 4. Ҳудудий инспекторнинг ҳуқуқлари

Ваколатига киритилган вазифаларни амалга ошириш учун ҳудудий инспекторга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

— Халқ таълими бошқармаси (Қорақалпоғистон Республикасида - вазирлик) ҳайъатининг мажлисларида қатнашиш, ҳайъат аъзоси бўлиб сайланиш;

— бошқармада тайёрланадиган ҳужжатлар (режа, қарор, буйруқ ва бошқалар) ҳақида ўз фикрларини билдириб, таклифларини киритиш;

— бошқарма томонидан жойларда ўтказиладиган текширувларда қатнашиб, тегишли таклифларни киритиш;

— Халқ таълими вазирлиги ҳайъатига ҳудудга тегишли масала юзасидан ўз фикрларини билдириш ва тегишли таклифлар бериш;

— вазирликнинг бошқарма ва бўлимлари, республика тасарруфидаги ташкилотлардан, халқ таълими бошқармаси ёки бўлимларидан ахборотлар, тегишли статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

— бириктирилган ҳудудга 2 ойда камида бир маротаба бориб, тегишли муаммоларни жойида ўрганиб ҳал этиш, жойида ҳал этиш мумкин бўлмаган масалалар билан вазирлик раҳбариятига мурожаат қилиш;

— жойларда қонун бузилишлари аниқланган ҳолда, халқ таълими бошқармаси ёки бўлимлари раҳбарияти қарорларини нотўғри деб топса, ушбу қарорлар бажарилишини вақтинча тўхтатиб, бу ҳақда вазирлик раҳбариятига тегишли таклифлар билан чиқиш.

**Таҳририятдан:** *Ушбу Низом лойиҳаси халқ таълими бошқарув органларида, ўқув-тарбия муассасаларида кенг муҳокама қилинишини сўраймиз. Лойиҳа юзасидан ҳар бир газетхоннинг билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам инобатга олинади. Фикр-мулоҳазалар ва таклифларингизни жорий йилнинг 1 апрелига қадар қуйидаги манзилга етказишингизни сўраймиз: 700078, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси.*

*Низом лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифларни телефон орқали ҳам билдиришингиз мумкин (тел.: 139-19-34, 139-43-26, 139-14-70).*

Anjuman

# ЯНГИ ЁЗУВ ВА ИМЛО АМАЛДА

*Ҳукумат дастурига асосан республикамиздаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларнинг I-VI синфлари барча фанларни, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг II-IV синфлари "Ўзбек тили" дарсларини янги алифбода ўқимоқдалар.*

*Худди шу мавзуда Республика Таълим маркази, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги I-умумий ўрта таълим мактабида "Янги ёзув ва имло амалда" мавзусида минтақавий илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда малака ошириш институтлари кафедра мудирлари, халқ таълими бўлими методистлари, ўқитувчилар иштирок этдилар.*

*Анжуман кун тартиби бўйича 5—6-синфларда она тили, рус гуруҳларининг 3-синфларида ўзбек тили дарслари кузатилди. Ўқувчиларнинг янги ёзув ва имлони қай даражада ўрганаётганликлари, ўқиш тезликлари синаб кўрилди. Кузатилган дарслар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, савол-жавоблар қилинди. Анжуманда Республика Таълим маркази ходимлари, дарсликлар, қўлланмалар муаллифлари иштирок этишди. Амалиётчи ўқитувчилар, курс тингловчилари дарслик муаллифлари билан давра суҳбати ўтказдилар.*

*Анжуман вилоят ва туманлардан келган методистлар, ўқитувчиларда чуқур таассурот қолдирди.*

**Ширинхон АҲМЕДОВА,**
**РТМ янги ўзбек алифбоси бўлими бошлиғи,**
**Зумрадхон СОБИРОВА,**
**РТМ бўлим бошлиғи муовини**

# "ПЕДАГОГИК ТЕСТЛАРНИНГ ИЖОДКОР МУАЛЛИФИ"

## *РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ*

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази педагогик тестлар жамғармасини сифатли шакллантириш, юқори малакали тест тузувчиларни аниқлаш учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича "Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи" Республика танловини эълон қилади.***

***Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар ҳар бир фан бўйича 50 тадан кам бўлмаган миқдорда тузилган тест топшириқларини Давлат тест марказига юборишлари лозим:***

***—Она тили ва адабиёти (ўзбек, қорақалпоқ, рус тиллари);***

***—Чет тиллари (инглиз, олмон, француз тиллари);***

***—Математика;***

***—Физика;***

***—Кимё;***

***—Биология;***

***—Тарих;***

***—География;***

***Ҳар бир тест топшириғи ўрта мактаб дастури асосида тузилган бўлиб, унинг бешта жавоблардан фақат биттасигина тўғри ва тўғри жавоб биринчи ўринда ёзилиши зарур.***

***Тест топшириқлари янги ва оригинал бўлиши ҳамда "Ахборотнома" ва "Вестник" журналларида чоп этилган тест топшириқлари билан бир хил бўлмаслиги лозим.***

***Танлов иштирокчилари алоҳида қоғозда ўзи ҳақидаги маълумотларни:***

***—фамилияси, исми, отасининг исми;***

***—иш жойи, эгаллаб турган лавозими;***

***—яшаш манзилини тўлиқ ёзиши керак.***

***"Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи" ғолиблари учун қуйидаги миқдорда пул мукофоти жорий қилинди:***

***—биринчи ўрин учун — 8000 сўм***

***—иккинчи ўрин учун — 5000 сўм***

***—учинчи ўрин учун — 4000 сўм***

***Танлов ғолиблари билан Давлат тест маркази ўртасида меҳнат шартномаси тузилади.***

***Танлов иштирокчиларининг қўлёзмалари муаллифларига қайтарилмайди.***

***Танлов муддати 2000 йил 1 июнгача.***

**Манзилимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Жаҳон Обидова кўчаси, 12-уй, Давлат тест маркази. "Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи" танловига.**

# ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ТАШКИЛОТЛАРИДА ИННОВАЦИЯ

Мустақиллик шарофати билан таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар нафақат педагоглар, балки, энг аввало, ўқувчи-ёшларнинг фаоллигини янада ошириш, тиришқоқлик ва интилувчанлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини тақозо этади.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида:

"Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак", — деб таъкидлаганлар.

Мустақиллик давригача мавжуд бўлган болалар ташкилотларининг парокандаликка юз тутганлиги, улар ўрнини босувчи, болалар ва ўсмирларнинг ҳозирги кундаги талаблари ва интилишларига жавоб бера оладиган ўқувчилар ташкилотлари тузилмаганлиги таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатаётгани педагоглар томонидан кўп ҳолларда эътироф этилмоқда.

Пойтахтдаги қатор мактабларда ташкилий ва мазмуний жиҳатдан янги болалар ташкилотлари юзага келди ва фаолият кўрсата бошлади. Ушбу ташкилотларнинг асосий мақсади ўқувчиларни ёшлар бўғинида бирлашган ижтимоий фойдали жамоаларга бирлаштириш, шунингдек, бу жамоаларда ҳар бир ўқувчи ўзини эркин ва фаол ҳис этишини, болаларнинг ўз-ўзини бошқариш, таълим ва тарбия жараёнида фаол қатнашишларини, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишни таъминлаш, ижобий мафкуравий таъсирини кучайтиришдан иборат.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги ўсмирлар қуйидагиларга муҳтожлик сезади:

—болалар жамоасида демократик ҳаёт кечириш кўникмаларига;

—ўз имконият ва иқтидорларини намоён қилиш, тенгдошлари ва катталар билан ҳамкорлик қилишга;

—мулоқот ва муносабат тажрибасини орттиришга;

—ташкилотчилик ва ўз-ўзини бошқаришни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлишга;

—ўз шахсини намоён қилишга;

—ўзини жисмоний жиҳатдан шакллантиришга;

—янги дўстлар, танишлар ва таассуротлар орттиришга.

Таълим-тарбия муассасаларида ташкил қилинадиган болалар ва ўсмирлар ташкилотлари ўқувчилар билан маънавий-маърифий, сиёсий мафкуравий, ватанпарварлик, иқтисодий, экологик, тарбиявий ишларни амалга оширишда болаларнинг ўзлигини намоён қилишга имконият яратувчи таянч восита бўлмоғи лозим. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси томонидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бошқарма негизида болалар ва ўсмирлар ташкилотлари интилишларини ягона мақсадга йўналтириб, бундай ташкилотлар тузилмаган ўқув-тарбия муассасаларида уларни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Тошкент шаҳар "Келажак бунёдкорлари" болалар ва ўсмирлар ташкилоти ташкилий тузилиши ҳамда фаолиятининг концепциясида қуйидагиларни ўқиймиз:

Ташкилот оммавий бўлиб, Ватанига муҳаббатини, садоқатини амалда кўрсатишга интиладиган, демократик, ҳуқуқий ва озод давлат қураётган жамиятнинг муносиб фуқароси бўлишига интилаётган болалар ва ўсмирларни ўз сафига бирлаштиради.

Ташкилот болалар ва уларнинг ота-оналарини ўз фаолиятига жалб қилиб, барча йўналишларда болалар ва ўсмирларнинг қизиқишларини қондира олиши ва бу борадаги ижтимоий талабни бажара билиши зарур. Бунинг учун ташкилот халқ таълими тизими идоралари тасарруфидаги барча имкониятлардан фойдаланади.

"Келажак бунёдкорлари" ташкилотининг шиори:

"Элим деб, юртим деб ёниб яшайлик".

"Келажак бунёдкорлари" ташкилоти ва аъзоларининг асосий қоидалари:

—ўз Ватанини сидқидилдан севиш;

—республикамиз Президенти ва унинг ғояларига садоқат;

—миллат бирлиги ва унинг равнақи мафкурасига садоқат;

—Ўзбекистон Республикаси нуфузини ўз билим, маҳорат ва иқтидори билан баланд кўтариш, давлатимиз рамзларига юксак ҳурматда бўлиш;

—сўз ва иш бирлиги;

—дўстлик ва ор-номус;

—меҳр-шафқат ва инсонпарварлик;

—миллий қадриятларга содиқлик;

—давлат ва халқ бирлиги ва равнақи йўлига ғов бўладиган барча оқим, ғоя ва қарашларга нисбатан бешафқат бўлиш.

Собир Раҳимов туманидаги умумтаълим мактабларида ташкил этилган ўқувчи-ёшларнинг "Ёш ватанпарварлар" маънавий-маърифий жамоатчилик уюшмасининг низомини ҳам ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бунда ҳам ўқувчи ёшларнинг ижодий фаоллигини оширишга катта аҳамият берилган. Жумладан, Низомда таъкидланадики, ташкилот аъзолари:

—ўзаро муносабатлардан;

—ўқиш ва меҳнат жараёнидан;

—раҳбарликдан;

—уюшқоқликдан;

—онгли интизомдан;

—оқилона ва фойдали фаолиятдан;

—ўз қадр-қимматини сақлашдан;

—жамоа билан фахрланишдан;

—ҳимояланганликдан қониқиш ҳосил қилиши керак.

Ташкилот аъзоларига:

—ихтиёрийлик;

—демократик фаолият;

—сўз эркинлиги;

—ташаббускорлик;

—фаоллик;

—ижодий фаолият кўрсатишлари учун имконият яратилиши керак.

Ташкилотлар катта кучдир. Ўқувчиларнинг хилма-хил фаолияти худди шу жамоада тўпланади. Мана шу жамоада ўқувчи маънавий-ижтимоий жиҳатдан ҳар томонлама чиниқиш мактабини ўтайди.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Муҳаммад Фузулий номли 239-мактабда ташкил қилинган ўсмирлар ва ёшларнинг "Истиқлол келажаги" жамоа ташкилоти эса ўзининг фаолият йўналишлари сермазмун ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

1. Ватанпарварлик, Ватан туйғуси, ўз халқи ва юртига меҳр-муҳаббат, садоқат, сидқидилдан хизмат қилиш ҳисларни шакллантириш;

2. Ҳар қандай ақидапарастлик, экстремизм, шовинизм оқимларига комил ишонч билан бас келиш, бунинг учун тинмай ўқиш ва ўрганиш, мустақил, теран фикрга эга бўлишга ундаш;

3. Шахс камолотига эришиш;

4. Экологик тарбия;

5. Атроф-муҳитни сақлаш ва унинг мусаффолиги учун жавобгарлик;

6. Ёшларнинг онгига "Ватан — остонадан бошланади" деган фикрни сингдириш;

7. Оила, аждодлар, маҳалла, кўча, шаҳар, туман тарихини ўрганишга интилтириш.

Хуллас, ўқувчи-ёшларнинг жамоатчилик ташкилотлари янги авлодни мустақиллик ғояси ва миллий мафкура, Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашда, улар онги-тафаккурида бўшлиқ вужудга келиб, адашишларга йўл қўймаслик, ҳар бир ёшнинг инсоний, маданий-маънавий салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этади.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари доктори, профессор**

# БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

***"Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас.***

**Ислом Каримов**

Яқинда жонкуяр маорифчи олимлар томонидан Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун таълим стандартлари илмий асосланиб, нашрдан чиқарилди. Давлатнинг ушбу таълимий ҳужжатини бекаму-кўст амалиётга жорий қилиш — сиёсий аҳамиятга молик иш. Зеро унинг мукаммал жорий этилиши Ўзбекистонни янгича фикрловчи, жаҳон ёшлари билан ҳохлаган фан бўйича беллаша олувчи, олган билимини нафақат ўзи, балки миллий давлати, миллати манфаатлари йўлида ҳам онгли равишда сафарбар қилувчи ёшлар билан бойитади. Президентимиз Ислом Каримов ана шундай ёшлар сонини кўпайтириш устида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу сабабли таълим стандартлари китоблари ўзининг нақадар муҳим, муқаддас, миллат тақдирини белгиловчи ҳужжат эканлигини эслатиб, кишида ҳурмат ва масъулият ҳисларини кучлантиради. Чунки билим —фақат билиши учун эмас, балки уни Ватан, миллий давлат тараққиёти йўлида қўллаш учун берилади. Демак, ўқувчиларга барча фанлар бўйича чуқур, кенг билимлар бериш баробарида уларда Ватанга, миллатга, ўзи фуқаро бўлган миллий давлатга жону дили билан хизмат қилиш нияти, эҳтиёжини ҳам кафолатли шакллантириш зарур.

Галдаги педагогик вазифа — таълим стандартлари даражасида чуқур, кенг тафаккурли ва айни вақтда миллий ғурурли, ташаббускор, фидойи ватанпарвар ШАХСни илмий асосда тарбияламоқдир. Кўриниб тургандек, бу яхлит вазифанинг биринчи ярми — таълим , иккинчи ярми —тарбия масаласидир. Таълим ва тарбия бирлиги тамойили улар орасидаги ўзига хосликни инкор қилмайди. Чунки таълимнинг натижаси билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, тарбияники эса —инсоний фазилатлардир. Таълим ва тарбия шахсни шакллантиришда нисбатан мустақил, ўзаро алоқада иштирок этиб, яхлит педагогик жараённи ҳосил қилади. Яъни таълим — ўқувчиларда математика, адабиёт,




# МЕҲМОНИМИЗ

***Матбуот нашрларининг ҳозирги ўзгаришлар, янгиланишлар жараёнидаги ўрни ниҳоятда беқиёс. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда олиб борилаётган ислоҳотлар тезлашувига таъсир этади. Шу маънода журналлар ҳақида гап кетганда, берилаётган мақолалар салмоғи, илмийлиги ва мазмунан бойлиги уларни бошқа нашрлардан ажратиб турадиган асосий жиҳатдир.***

***Халқ таълими вазирлигининг асосий нашрларидан бири — "Халқ таълими" журнали ҳам юқорида таъкидлаганимиздек ўзининг сермулоҳаза, назарий жиҳатдан пишиқ-пухта чиқишлари билан педагогларнинг керакли қўлланмасига айланиб бормоқда. Биз бугун ушбу отахон журналнинг 2000 йил 1-сонини газетамиз саҳифасида "Меҳмон" қилишга қарор қилдик.***

тарих, биология каби фанларга оид билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантирса, тарбия — ўқувчиларда ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғурур, миллатлараро дўстлик, ташаббускорлик ва бошқа фазилатларни шакллантиришни бирламчи вазифа сифатида амалга ошира боради.

Афсуски, яқин педагогик ўтмишимизда "таълим ва тарбия бирлиги" ибораси "таълимнинг ўзи тарбиялайди" қабилида талқин қилинарди. Натижада тарбия, унинг аниқ натижалари учун ҳеч ким жавоб бермас эди. Бунинг ҳалокатли натижаси нималарда намоён бўлди? Юзлаб, минглаб билимли, лекин яхши тарбия кўрмаган шахслар, амалдорлар нафақат ахлоқ чегараларидан чиқишар, балки жиноят дунёсига ўта борарди. Чунки улар чуқур билимли, лекин Ватан, миллат, миллий давлатга эътиқодли, садоқатли, ватанпарвар эмас эдилар. Бунинг исботи сифатида Президентимизнинг юқорида келтирган фикрларини яна бир бор таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Тарбия" сўзининг"парвариш", "қараш" деган маънолари ҳам бор. Деҳқон ниҳолини парвариш қилади, тарбиялайди. Ўқитувчи, синф раҳбари ўсмирни ўқитади, тарбиялайди. Демак, тарбиячилик, ўқитувчилик касбларининг деҳқончиликка ўхшаш амалий жиҳатларини кучайтиришимиз керак. Яъни ўқитувчи, тарбиячи болаларни парвариш қилиши, улардаги яхши фазилатларни махсус экиб, ўстириш, ёмон сифатларини зарарсизлантириши, бартараф қила олиши керак. Буғдой, пахта, атиргул инсон парвариш қилмаса, ўсиб униб кетмайди, қуриб қолади. Янтоқ, ғумай, ажриқ эса парваришга муҳтож эмас. Ўз ҳолича кўпаяверади. Инсон сифатлари ҳам. Истиқлолий фазилатлар саралаб, махсус шарт-шароит яратилиб, доимий парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар соясида қолиб кетади. Чунки ёмон сифатлар парваришга муҳтож эмас. Демак, яхши фазилатларни парвариш қилиш, ўқувчиларда салбий сифатларни ҳосил қилувчи омилларга кураш билан бирга олиб борилиши керак.

Ҳозир Ўзбекистон тараққиёти манфаатлари педагогика фанимиздан "Ёш ўзбекистонликларда етакчи фазилатлар нималардан иборат бўлмоғи керак?" деган масъулиятли саволга илмий-амалий жавоб кутиб турибди. Янги, истиқлолий фазилатларни ўрганиб, умумлаштириб, илмий- педагогик тушунчаларга айлантириш — ғоят долзарб вазифа бўлиб турибди. Мустақилликни мустаҳкамлашни педагогик таъминлаш манфаатлари билимли ва юқоридаги фазилатларни ҳамма жойда, доимо чуқур эътиқод билан намоён қилишга тайёр шахсни шакллантиришни тақозо қилади. Бу эса Ўзбекистонда жаҳон ва Ўрта Осиё педагогикасида янги илмий-педагогик назария — миллий замонавий характерга эга Шахсни тарбиялаш модели шакллана бошланганини кўрсатади.

"Умумий ўрта таълим Давлат стандарти ва ўқув дастури"нинг "Филология", "Инсон ва жамият", "Ижтимоий билимлар", "Маънавият", "Санъат" соҳалари ёндашувининг янгилиги, яратувчанлиги ва маънавий қиймати билан кишини мамнун қилади.

Тил — миллатнинг иймони. Ўзбек тили табиат ва жамият, инсондаги барча ҳолат ва ўзгаришларни "ўзбекча, миллий кўриш" воситасидир. Ўқувчининг ўзбекча луғати қанча бойиса, у Соҳибқирон Амир Темурга, Алишер Навоийга, миллатнинг бугуни ва эртасига, ўзлигига яқинлаштиради. Она тилидан янги дастур ва дарсликларнинг концептуал асосларида ана шу эътироф бор. Тилга ҳурмат руҳи барқ уриб туради.

Санъат дастурларида ҳам билим ва ижод уйғунлиги намоён. Улар тасвирий санъат ва унинг жанрлари тўғрисидаги билимлар дастуридан ўқувчиларни тасвирий санъатнинг "ичига" олиб кирувчи дастурга айлантирилган. Унда умумэътироф қилинган дидактик тамойиллар билан бир қаторда тасвирий санъатда миллий ва умуминсонийлик синтези, миллий санъатни болалар ёшига мослаштириш (масалан, "миниатюра"), мавзуларнинг чоракларга мантиқий тақсимланишини тасвирий санъат педагогикасидаги дадил қадамлар дейиш мумкин.

Дастурнинг жорий қилиниши ўқитувчиларни ижодий изланишга мажбур қилади. Бундан, албатта, ўқувчи, миллий санъат истиқболи ютади.

Тарих таълими натижалари — билим, кўникма ва малакалари тизимида холислик барқ уриб туради. Бу ёшларимизда тарихий жараёнлар ҳақида маълумотлар асосида қиёсий таҳлил малакаларини, шакллантиради. Энг муҳим тарбиявий қиммати — Ватан, аждодлар, замондошлар, келажак тушунчаларини "Менинг Ватаним", "Менинг ота-бобом", "Менинг келажагим" деган марказий миллий мафкуравий тушунчаларни ҳосил қилади. Ўзбек миллий давлатчилиги тараққиётидаги ғалаба ва мағлубиятлар сабабларини ўрганадилар. Бу эса ёшларимиз тафаккурини миллий давлатчилик даражасига кўтариши аниқ. Президентимиз асарларини билиш ўқувчиларда ижтимоий ижодкорлик кўникмаларини уйғотади. Бошқача қилиб айтганда, замон ва макон муаммоларини ечишда ният, сўз, амал билан иштирок этувчи фидойи ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Хуллас, "Умумий ўрта таълим стандарти ва ўқув дастури"да XXI аср ўзбек маънавияти, иқтисодиёти, сиёсати, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини таъминлашнинг дидактик модели яратилган. Баркамол шахс тарбиясининг миллий модели ватандошларга муборак бўлсин.

**Муҳаммад ҚУРОНОВ,**
**Республика "Оила" илмий-амалий Маркази бўлим мудири, педагогика фанлари доктори**

# ОИЛА ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ

Анъаналар ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини, ҳаёти, турмуш тарзи, табиий-ижтимоий муносабатларини ифодаласа ҳам, замирида меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби ғоялар илгари сурилганлиги учун умуминсоний маъно касб этади. Худди шу маъно бола тарбиясида етакчи ўринни эгаллаши лозим. Чунки, бола онгида ўз халқига хос бўлган миллий анъаналарни севиш ва улардан фахрланиш туйғуси миллий калондимоғлик даражасига ўтмаслиги зарур. Халқ бирон бир ғояни кўтариб чиқар экан, уни ўз ҳолича, бирор мақсадни кўзламасдан ўртага ташламайди, балки унда орзу-умидини ифодалаб, ижтимоий идеалга айлантиради. Ана шу идеалларни фарзандларида ҳам кўришни истайди. Худди шу нарса, анъаналарнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини белгилаб беради. Ҳар бир ота ва она фарзандининг баркамол инсон бўлишини истайди, ўзлари ета олмаган орзу-умидларига болалари етишлигини ўйлайди. "Мен боламни дейман, болам боласини" деган ибора ҳам бежиз айтилмаган. Фарзанд ота-она қарзини тўла уза олмайди, балки бу қарзни болаларига бериб қутулади.

Ўзбек халқида болалар тарбияси билан боғлиқ жуда кўп ибратли анъаналар мавжуд. Халқ педагогикаси болаларга меҳр-шафқат, уларни севиш, парвариш қилиш, таълим-тарбия бериш, эҳтиётлаш каби инсоний қарашларни тарғиб қилиб келган.

Ўрта Осиё халқлари тарихан бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўлганлар, оилавий борди-келди қилганлар, қуда-қудағай бўлиб яшаганлар. Натижада, улар бола тарбияси борасида ҳам бой тажрибаларини бир-бирига ўргатганлар.

Ўтмишда ҳар бир киши урф-одатлар орқали жамоа билан узвий боғланганлар, жамоанинг ижтимоий вазифаларини, ахлоқий қонун-қоидаларини ўрганганлар. Шу маънода жамиятда мавжуд бўлган урф-одат ва анъаналар ҳар бир инсоннинг ҳиссиётига, хатти-ҳаракатига, бутун оила турмушига кучли таъсир этадиган ижтимоий ҳодиса бўлиб келган. Урф-одат ва анъаналар инсонда хилма-хил кечинмалар ва кайфиятлар уйғотади, одамнинг ўз-ўзини ва ижтимоий бурчини англашга, шахс сифатида шаклланишига ҳам ижобий таъсир қилади.

Халқ педагогикаси манбаларида севги ва садоқат энг юксак фазилат деб қаралади. Халқ урф-одатига кўра, қиз ва йигит бир-бирини севса, турмуш қурса, умрбод бирга бўлиши керак. Халқнинг бу ғояси эртак ва ривоятларда ҳам ифодаланган.

Ўзбек халқида қиз болани гўзал ахлоқли қилиб тарбиялаш оиланинг муҳим вазифаси ҳисобланган ва у анъана сифатида авлоддан авлодга ўтиб келган. Қиз бола ёки хотин томонидан қилинган ноўрин ҳаракат нафақат оила аъзолари, балки жамоа томонидан ҳам қораланган. Маиший турмушга оид анъаналар жуда тор маънога эга бўлиб кўринса-да, халқнинг миллий характери, маданият даражаси, турмуш шароитларига жиддий таъсир этиши мумкин. Шунингдек, кийиниш маданияти ва пазандачиликка хос бўлган анъаналар, турли маросимлар, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ бўлган анъаналар ҳам шундай таъсирчандир. Зотан, бу анъаналар оилада фарзандларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим восита сифатида хизмат қилиб келади. Айниқса, инсонпарварлик анъанаси ўзига хос мавқе ва фазилат касб этиб, ўзбекона, шарқона тарзда намоён бўлади. Масалан, бу ота-онасиз етим болаларни асраб олиш, уларга олийжанобилик, ғамхўрлик кўрсатиш, ота-оналик меҳру муҳаббати билан парвариш қилиш, касал ва хасталарни бориб кўриш, кўнгли ўксик етимларга ғамхўрлик қилиш, азадор оилаларга таъзия билдириш кабиларда кўринади. Бундай ўзига хосликни бошқа халқларда учратиш қийин. Зеро, бундай хусусиятлар болалар тарбиясига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Хуллас, ўзбек халқи анъаналарга бой. Улар халқнинг турмуш тарзи, миллий хусусияти, ижтимоий психологияси, тафаккур тарзидан келиб чиққан бўлиб, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

**Малика ИНОМОВА,**
**Низомий номидаги ТошДПУ кафедра мудири, педагогика фанлари доктори**

# ТАЪЛИМДА СИСТЕМАЛИ ЁНДАШУВ

Системали ёндашув таълимда оддий кўргазмалиликка нисбатан сифат жиҳатидан анча янги тадқиқот усули ҳисобланади. Бу объектнинг алоҳида жиҳатларини билишдан уни яхлит ҳолда билишга, бир томонламаликдан кўп томонламаликка, мавҳумликдан аниқликка ўтишни англатади.

Системали ёндашув ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топган ва янги хусусиятларга эга бўлган барча тушунчаларнинг йиғиндисини билдиради. "Система" тушунчаси моҳияти жиҳатдан "яхлитлик" тушунчаси билан уйғунлашиб кетади, шунинг учун ҳам фалсафий категория нуқтаи назаридан янги сифатга эга бўлган "яхлит таълим" демакдир. У ўзи таркиб топган элементлардан иборат бўлиб қолмай, балки элементлар ўртасидаги ички алоқалар системанинг ташқи таъсирига нисбатан барқарор ҳисобланади.

"Элемент" ва "система" тушунчалари умумилмий категориялар бўлиб, улар ҳар доим бир-бири билан ўзаро алоқадорликда мавжуддир. Ҳар қандай объект бир вақтнинг ўзида ҳам элемент, ҳам система бўла олади. Масалан, атом — ядро ва электронлардан таркиб топган системадир, шу билан бирга у "босқич" системаси учун элементдир. Босқич эса, ўз навбатида, "факультет" учун элементдир ва шу кабилар. Ҳар бир объект бундай пирамидада аниқ поғонани эгаллайди. У ўзига яқин пастки поғонада турувчи объектга нисбатан система бўлиб, ўзидан юқорида турувчи объектга нисбатан элемент бўлади. Умуман, элемент ва система диалектикасини тушуниш, фаолиятимиздаги қатор жиҳатларни ойдинлаштиради.

Ҳар қандай система тузилишини ўрганишнинг методологик асоси — системалиликнинг фалсафий принципи ҳисобланади. Система диалектик методнинг элементи бўлиб, унинг бошқа элементлари қатори билиш жараёнида ўзига хос вазифани бажаради.

Системали ёндашув билиш жараёнида қуйидагиларни назарда тутади: а) система сифатида объект фаолиятини кўриб чиқиш; б) баъзи бир система элементлари таркиби ва тузилишини аниқлаш, улар ўртасидаги умумий боғлиқ томонларини белгилаш; в) системанинг ташқи алоқаларини кўрсатиш ҳамда улардан энг муҳимларини аниқлаш; г) система вазифаларини билиш ва уни бошқа системалардаги ролини белгилаш; д) бу вазифаларни таҳлил қилиш ва шу асосда системанинг ривожланиш қонуниятини аниқлаб бериш.

Агар биз математика ва физика фанларидан ўқув-методик адабиётларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, системали ёндашувни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор камчиликларни кўрамиз.

1. Иккала фан учун ҳам умумий бўлган атамалар ва белгилашлар ўртасидаги баъзи бир фарқлар.

2. Физика учун зарур тушунчаларнинг ҳар доим ҳам математикада ўз вақтида берилмаслиги, бундай ҳолларда физика математикага нисбатан ўзиб кетиб қолади.

3. Физикада келтириладиган баъзи бир тушунчалар ҳар доим ҳам математикада ишлатилмайди.

4. Математиканинг пойдеворини ташкил қилувчи тушунчалар ҳар доим ҳам физикада етарлича акслантирилмаган. Масалан, функция тушунчаси математикада шакллантирилади, лекин физикадаги ҳодиса ва қонуниятлар ўрганилаётганда улардан керакли даражада фойдаланилмайди.

Умуман олганда, физика математиканинг биринчи истеъмолчисидир, улар ўртасида системали ёндашувни амалга ошириш учун бу фанлар ҳар доим ўзаро алоқадорликда бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб туриши керак, бунинг учун эса шу фанлардан таълим берувчилар ўзаро ижодий алоқада бўлишлари лозим.

Системали аниқлашнинг энг муҳим муаммоларидан бири, системада кўплаб элементларнинг бирлаштирувчи "системалаштирувчи омиллар"нинг моҳиятини очиб беришдан иборатдир. "Системалаштирувчи омиллар" деганда системани вужудга келтирувчи барча ҳодисалар, кучлар, ўзаро таъсирлар, алоқалар ва муносабатлар тушунилади.

Таълимда системани вужудга келтирувчи асосий омилга, бири иккинчисини тақозо қиладиган фаолият тури сифатида таълим берувчи билан билим олувчининг ўзаро муносабатини киритиш мумкин. Таълим олувчининг фаолияти тавсифига кўра, бир томондан, уларнинг умуман фикрлаш психологиясининг ўзига хос томонлари, иккинчидан, умуман таълим жараёнидаги ўрганилаётган ўқув матнининг сифати аниқланади. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, таълимда системали ёндашув — таълим олувчилар онгида билимнинг қуйидаги тартибда жойлашувидир: асосий илмий тушунчалар — ана шу илмий тушунчаларга асосланган назария — ундан келиб чиқадиган натижа — илова.

Таълимда системали билишни шакллантиришни таъминловчи шартлар қуйидагилардан иборат:

— ҳар бир янги тушунчада, таълим олувчиларнинг ҳаёт тажрибаси, кундалик кузатувлари, илгари ўзлаштирган тушунчалари ҳисобга олинади;

— муаммоли ҳолатлар ҳосил қилиш, уларни таҳлил қилган таълим олувчилар янги ҳодиса ёки далилларни тушунтириш учун ўзлари билган тушунчалар етарли эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш;

— таълим олувчилар онгида янги тушунча ҳосил қилишни таъминловчи илмий далилларни танлаш ва таҳлил қилиш;

— системали тушунчанинг шаклланиш усулини танлашда тушунча мазмунини ўзига хос томонларини, таълим олувчилар тафаккури ва билимининг ривожланиш даражасини ҳисобга олиш;

— ҳар қандай янги тушунча шаклланишида таълим олувчиларнинг изчил билиш фаолиятини ташкил этиш...

**Ризамат ШОДИЕВ,**
**Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти катта илмий ходими**

# ДАРСДА ТАЪЛИМИЙ МУСОБАҚАЛАР

МУСОБАҚА УЧУН ЗАРУРИЙ ЖИҲОЗЛАР: Ўқувчиларнинг исм-фамилияси ва синф журналидаги тартиб рақами айрим-айрим варақларга ёзиб қўйилади. Ҳар бир ўқувчининг кўкрагида синф нишони, унда ўзининг синф журналидаги тартиб рақами ҳам бўлиши керак. Ҳар бир тур топшириқлари айрим-айрим тартибланган ҳолда, айрим-айрим варақаларга ёзиб, гуруҳлаб қўйилади.

МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ: Мусобақа ўтказилиши ҳақидаги эълонда унинг тўла дастури ва шартлари ўз аксини топиши ва бериладиган савол ҳамда бажариладиган топшириқлар бўлиши керак.

Дастурнинг ҳар бир банди бўйича бериладиган баллар, мабодо ўқувчи ўзрсиз қатнаша олмаса, бериладиган жарима баллари, рағбатлантиришлар кўрсатилиши зарур.

МУСОБАҚАНИ ЎТКАЗИШ: Ҳар қандай мусобақа камида икки синф ёки икки гуруҳ орасида берилган дастур асосида тузилган мусобақа баённомаси тартиблари бўйича ўтказилади.

Биз математика фани бўйича эълон қилинадиган дастурни берамиз.

I-VI синфлар: Математикадан қоидаларга доир саволлар (50).

Ўрганилган қоидаларга доир ўртача билимли ўқувчи еча олиши мумкин бўлган масалалар (50).

Мисоллар (100). Геометрия элементларига доир топшириқлар (25). Қизиқарли масалалар (15). Интермедия (2). Мустақил чиқиш (3).

VII-XI синфлар:

Алгебрада ўрганилган қоидаларга доир саволлар (60). Алгебрада ўрганилган масалалар (30). Алгебрадан мисоллар (60). Алгебрада ўрганилган формулалар (20). График ясашга доир топшириқлар (10). Геометрия қоидаларига доир саволлар (50). Геометрия масалалари(30). Геометрик фигуралар ясашга доир топшириқлар (10). Геометрия курсига доир формулалар бўйича топшириқлар, қизиқарли масалалар (15). *Эслатма: Қавс ичидаги 100, 50, 30... каби сонлар топшириқлар сони бўлиб, улар имкониятларга қараб кўп ёки оз бўлиши мумкин.*

Ҳар бир саволга жавоб бериш учун фикрлаш кўпи билан 30 секунд. Ҳар бир топшириқ келтирилган миқдорда альбомда, айрим-айрим ғилофларда ёки ўрамаларда бўлади. Топшириқларни бажарувчиларнинг исм-фамилиялари ҳамда синф журнали тартиб рақамлари ёзилган айрим-айрим варақалар юзасини столга қаратиб ёйиб, аралаштириб, бошланғич синф ўқувчиларидан 2 ўқувчи таклиф этилади. Улардан бири жавоб берувчининг исм-фамилиясини, тартиб рақамини аниқлайди, иккинчиси топшириқлар орасидан топшириқни аниқлайди.

Топшириқларни фақат исм-фамилияси чиққан ўқувчи бажаради. Борди-ю, гуруҳ аъзоларидан бири айтиб қолгудек бўлса, жарима балли берилади. (10). Ҳар гал номи чиққан ўқувчиларнинг номлари ёзилган варақалар охирги ўқувчининг исм-фамилияси чиққунига қадар қайта қўйилмайди. Агар ўқувчи исми чиққанда бўлмаса, 10 жарима балл қўйилади. Тўғри жавоблар бажарилган топшириқлар учун ҳам 10 баллгача берилади.

Бу ердаги табрик, интермедия, мусиқали чиқиш, альбом, нишон, газета, (кўргазма) зал безашларнинг ҳар бир учун 10 баллгача берилади. Буларни тайёрлашда асосий масъулият синф раҳбарига тушади. Сардорлар камида бешта бўлим бўйича биттадан топшириқ бажариши шарт.

МУСОБАҚАНИ ЯКУНЛАШ: Баённомани ҳар бир банд бўйича ўқувчилар жавобини имкони борича магнит лентасига ёзиб олиниб, қайта кўрилса, янада таъсирчан бўлади. Умуман, ҳар бир жавоб аниқ-аниқ баҳоланса, жуда яхши бўлади. Биз юқорида синфлар ўртасида бундай мусобақани ташкил қилишда ҳар кун бир синфда ўтказилсин дедик. Чунки сабаб мусобақа вақтида тартиб-интизом яхши бўлади. Ҳар бир синф ўзлари жамғарган баллни билиб кетаверадилар. Барча синфлар ўртасида ўтказилиб бўлингач, ўз-ўзини қайси синф 1-ўрин, қайси синф 2-ўринни эгаллаганини аниқланади.

**Улуғбек ҚЎЧҚОРОВ,**
**Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси**

# ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Инсон ва атроф-муҳит орасидаги муносабатларни тадқиқ қиладиган социал экология кун сайин муҳим аҳамият касиб этмоқда. Инсонда социал-экологик маданиятнинг ривож топиши табиатга нисбатан шахслар жавобгарлиги даражасининг ўта юқори бўлишини талаб этади. Инсонда табиатга нисбатан янги дунёвий қарашларнинг шаклланиши социал гуманизм, умуминсоний қадрият ғояларига тўғри келади. Инсоннинг ўз фойдаси учун табиат қонунларини бузиши табиатга ва гуманизмга нисбатан зид бўлган талончилик, очкўзлик ва иймонсизликдир.

Социал экология, гуманизм, асосан педагогикага хос хусусиятдир.

Педагогика фанининг мақсадларидан бири — оила, боғча, мактаб ва барча таълим тизимида инсонни табиатга нисбатан онгли муносабат руҳида тарбиялашдан иборат. Мактабга табиат ҳақидаги билимлар тизимини асосли ҳолда киритиш зарур. Бола онги шаклланишида унинг хулқи, маданияти табиат билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиши зарур. Болани табиат билан узлуксиз алоқада бўлиши кенгайтирилиши лозим. Бола тарбиясида табиат билан алоқада бўлишнинг тарбиявий асосини Ислом таълимоти билан уйғунликда яратиш керак.

Бола тарбиясини ривожлантиришда табиатдан ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиялашда фойдаланиш зарур. Бу ғоя болаларнинг табиатини ҳис қилишларида, доимий фикрлашларида асосий манба бўлиб қолади.

Табиат меҳнат, фикр манбаи бўлиб, улар эса социал тадқиқот предметларидир. Болада табиатга нисбатан меҳрибонлик пайдо бўлиши учун у ўз меҳнати билан атроф-муҳитга таъсир этиб, бу таъсир натижасида табиатда бўладиган ўзгаришларни кўриши ва сезиши керак.

Экологик таълим-тарбия умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўқувчиларга жамият ва табиатнинг ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ҳақида таълим беради, ўқувчиларда атроф-муҳитга нисбатан жавобгарлик туйғусини шакллантиради.

Экологик таълим-тарбия масалаларини ҳал қилиш учун қуйидаги принципиал ғояларга таяниш зарур: табиий муҳитни интеллектуал ва эмоционал сезиш бирлиги; уни яхшилаш бўйича амалий фаолият.

Экологик таълим умумий ўрта таълимнинг таркибий қисми сифатида қаралмоғи зарур. Экологик таълим тизимининг узлуксиз бўлиши, предметлараро боғланиш бўлиши, экологик муаммоларга миллий қадриятлар ва ўлка табиати билан узвий боғланишда ёндашилиши лозим.

Ўқувчиларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш экологик тарбиянинг энг қимматли томонидир.

Экологик билим ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш, озодалик руҳида тарбиялашда муҳим восита.

Экологик таълим-тарбия мактаб таълимотининг барча соҳаларига тегишлидир. Ўқувчиларнинг экологиядан тўлақонли билим олишларида масалага предметлараро боғланиш асосида тизимли ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда экологик таълимнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Олам (атроф-муҳит) манзарасини болада илмий асосда шакллантириш.

**I-IV синфлар**: Табиат ҳодисаларининг ўзаро боғланиши ва уларга инсон таъсири тушунчалари.

**V-VII синфлар**: Табиат ва жамият ҳодисаларининг сабабларини тушуниш, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, жонли ва жонсиз табиат, унда инсоннинг ўрни. Табиат ҳолатига нисбатан инсон кўникмаси.

**VIII-IX синфлар**: Табиат ва жамият тарихининг ўзаро бирлиги ҳақида тушунчалар, табиат қонунларининг бирламчилиги, табиатнинг яхлитлиги ва унда инсоният ўрни, инсоннинг табиатга таъсири ва аксинча, бу ўзаро таъсирларнинг кўриниши шакллари, йўналиши, инсоният ҳаётининг табиат, табиий муҳитга боғлиқлиги.

Ғоявий-сиёсий, ҳуқуқий тарбия.

**I-IV синфлар**: Она-табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг аҳамияти, табиатга нисбатан салбий таъсирлар учун ҳар бир шахснинг жавобгарлик ҳис қилиши.

**V-VII синфлар**: Табиатни муҳофаза қилишга оид чиқарилган қонунлар билан танишиш, ҳар бир тузумда табиатдан фойдаланиш ва уни қўриқлаш шароитлари, табиат умумхалқ мулки; табиат-халқ-Ватан бирлигини тушуниш.

**VIII-IX синфлар**: Меҳнат — инсон ва табиат орасида узлуксиз модда алмашинув жараёни эканлигини тушуниш, меҳнат фаолиятининг табиатга салбий таъсирларини сеза билиш, уни ижобий томонга йўналтириш, табиатга инсон таъсирининг ёмон оқибатларини тугатишда фаол қатнашиш, меҳнат туфайли табиат бойликлари ҳисобига жамоа мулки ҳосил бўлишини, ундан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлларини ўрганиш.

Ахлоқий-эстетик тарбия.

**I-IV синфлар**: Табиат ва унинг объектларига сезги уйғотиш, табиат чиройини ифодалаб бера билиш, ўсимликлар ва ҳайвонларга нисбатан ачиниш, ўсимлик, ҳайвонларда бўладиган ўзгаришларни кўра билиш, болада уларга нисбатан меҳрибонлик пайдо бўлиши; ёшларнинг табиатсеварлигини кучайтириш.

**V-VII синфлар**: Инсон ҳаётида "материя-табиат" хилма-хил эканлигини тан олиш, табиат манзаралари ва унинг манбаларини ҳис қилиши, эстетик завқларини ривожлантириш; атроф-муҳитни эстетик жиҳатдан ташкил қилишга ўрганиш; табиат чиройи, санъат — гўзаллик бирлигини тушуниш.

**VIII-IX синфлар**: Ҳозирги замон ва келгуси авлодлар учун экологик муаммоларни оқилона ҳал қилиш: экологик муаммоларнинг умуминсоний аҳамиятга эга эканлигини тушуниш; эстетика ва хушфеъллик қонунлари бирлигини билиш; ҳар бир кишининг табиатга нисбатан жамоа қоидаларини тушуниш ва уни онгли равишда қабул қилиш, табиат доимий ва ўчмас гўзаллик туфайли ривож топишини англаш.

Озодалик ва жисмоний тарбия.

**I-IV синфлар**: Табиий омиллардан озодалик ва саломатлик учун тўғри фойдаланишга одатланиш.

**V-VII синфлар**: Организмни чиниқтириш йўли билан жисмоний соғлом бўлишга ўрганиш.

**VIII-IX синфлар**: Социал ва табиий омиллар саломатлик учун зарур эканлигини тушуниш, табиий муҳитнинг ёқимли таъсири туфайли организмнинг жисмонан соғлом бўлишини англаш, социал омиллар таъсири туфайли руҳан соғлом бўлишини ҳис этиш: атроф-муҳит таъсирига организмда мослашиш кучи пайдо бўлишини билиш, турли хил экологик муҳитга мослашиш.

Ўқувчилар экологик билимларни тўлиқ эгаллашлари учун кенг экомуаммоларни умумлаштириб фанлараро боғланишли дарслар ўтиш, экскурсиялар ташкил қилиш, бошқариш ўйинлари, маъруза ва семинарлар ўтказиш зарур.

Экологик таълим-тарбия давлат таълим стандарти асосида дарс жараёнида, мустақил таълим олиш, синфдан ташқари машғулотларда узлуксиз равишда амалга оширилади.

**Эшбой ТУРДИҚУЛОВ,**
**Республика ёшларининг "БИОЭКОСАН" илмий-методик мажмуаси директори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

**Мактабларда бу дастур бошланмасдан аввал чеккан, дастурда иштирок этгандан сўнг чекишни ташлаган ўқувчилар сони 10-15 фоизга ортди.**



# ОНАМГА

## Muallimalar mushoirasi

*Сув оқади, сувлар-ей, тиниқ-тиниқ,*
*Тун ҳам сокин, юлдузлари ёниқ-ёниқ.*
*Соғинчлардан ўртанаман, кўнгил синиқ,*
*Онажоним, сизни мудом соғинаман.*

*Енгди бизни бу дунёнинг камлари-ей,*
*Букди қаддим надоматнинг ғамлари-ей,*
*Бунча оғир синов деган дамлари-ей,*
*Онажоним, сизни мудом соғинаман.*

*Ҳаёт — денгиз, бордур унда пўртаналар,*
*Қурбон бўлар қанча-қанча оҳ, таналар.*
*Айриликдан юрак-бағрим нимталанар,*
*Онажоним, сизни мудом соғинаман.*

*Онажоним, руҳингиз-ла мени қўлланг,*
*Эзгу ишга бел боғладим, оқ йўл тиланг,*
*Иймонлилар даврасига мени йўлланг,*
*Онажоним, сизни мудом соғинаман.*

*Айтинг менга: орзуларинг бўлсин нурли,*
*Куй-қўшиғинг майли бўлсин, турли-турли,*
*Бўлинг доим очиқ юзли, ширин сўзли,*
*Онажоним, сизни мудом соғинаман.*

**Бахтигул РАШИДОВА,**
**Жиззах Политехника институти катта ўқитувчиси**

## СОҒИНЧЛАРИМ КАБУТАРДИР

Бирам соҳир қўшиқ куйлаб келмоқда кўклам,
Турфа рангдан ороланур кун сайин ўлкам.
Майин еллар ором бериб эсар тонг-наҳор,
Ҳаволарда мушки-анбар, ифор ҳиди бор.
Бу паллада чексиз шодлик оқар дилларга,
Субҳидамлар пок тилаклар солар тилларга.
Сизга нурдан пояндозлар тилайман, она.
Яратгандан рўшноликлар сўрайман она.
Зангор кўкда арғамчидек турналар учар,
Болаларнинг қувончлари қалбимга кўчар.
Қизғалдоқли томлар узра учганда varrak,
Қизалоқлар сочларига тақса толбаргак.
Соғинчларим кабутардир учар сиз томон,
Қанотига ёздим мактуб, бўлинг соғ омон.

**Шаҳрибону СУВОНОВА,**
**Хатирчи туманидаги 33-мактаб муаллимаси**

## БАҲОР

*Ям-яшил майсалар ерни қоплабди,*
*Ўриклар гуллабди, ёзибди япроқ.*
*Гуллар очилибди ханда айлабди,*
*Бахт борми, бундай бахтдан ортиқроқ!*

*Гул ишқида булбул наво айлабди,*
*Адирларда чўғдай лола, қизғалдоқ.*
*Ошиқлар бу кунда сайр айлабди,*
*Бахт борми бундай бахтдан ортиқроқ!*

*Гулзор узра беркинди шошиб капалак,*
*Томчилаб ёмғир ёмғир, гумбурлади мома қалдироқ.*
*Беғубор осмонда товланди рангин камалак,*
*Бахт борми бундай бахтдан ортиқроқ!*

**Гули ИСАЕВА,**
**Каттақўрғон туманидаги 28-мактаб ўқитувчиси**

* * *

***Баҳор туни, булутли осмон,***
***Парда тутган ойнинг юзига.***
***Зулмат, десам бўлади ёлғон,***
***Қаролик бахш этган ўзига.***
***Ташқарида минг бир хил овоз,***
***Чалинади қулоқларимга.***
***Қурбақалар бўлиб жўровоз,***
***Гўё қўшиқ куйлади менга.***
***Салгина олисда шовуллар дарё,***
***Сув уради тошларга бошин.***
***Сўйлаб берар борлиққа гўё,***
***Булутларнинг тўккан кўз ёшин.***
***Гулларнинг муаттар ҳидларин,***
***Шамол олиб кетар ҳар ёққа.***
***Яширмай юрагим сирларин,***
***Сўзлаб бердим шу тун япроққа.***

**Дилнаво ЖУМАНОВА,**
**Тошкент вилояти педагогика билим юрти талабаси**



# КРОССВОРД

**Ёйлар бўйича:** 1.Фашизмга қарши уруш йилларида инсонпарварлик намунасини кўрсатган, номи бадиий ва санъат асарларида мадҳ этилган тошкентлик аёл исми. 2.Алишер Навоий достонидаги садоқатли маъшуқа сиймоси. 3.Миллий ипак газлама. 4.Қорамтир, пардоз бўёғи. 5.Насрий асар тури. 6.Кўркам, жуда ҳам ҳусндор. 7. "Меҳробдан чаён" романи қаҳрамони. 8. Доира шаклида гул-нақш билан тикиладиган миллий каштачилик маҳсули. 9.Барно, нозанин аёлга бериладиган таъриф. 10.Газламага тикиб туширилган гул, буюм.

**Рақамли хонадан соат мили бўйича:** 11.Юриш-туришдаги аёлларга хос нозиклик. 12.Ҳинд бадиий фильмларидан бири. 13.Хушбўй манзарали ўсимлик. 14.Илк баҳор гули. 15. "Сабъаи сайёр" достони қаҳрамони. 16.Марказий Осиё халқлари орасида машҳур бўлган ватанпарвар аёл ҳақидаги ибратли афсона. 17.Уйғун драмаси. 18.Гўзаллик, чирой. 19.Келиннинг онаси, умр йўлдошига нисбатан. 20.Санъаткор аёл.

### МУАММОНОМА

Қуйида таърифланиб рақамларда яширинган сўзларни топиб очқични ечинг.

1. Гул шайдоси, сайроқи митти қуш — 8,10,4,8,10,4.
2. Йирик ва қимматбаҳо инжу — 11,10,5,11,1,7,6.
3. Обод, гулзор маскан — 9,6,3,6,7.
4. Жамиятнинг асоси — 1, 2, 4, 6.

Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан шарқ халқ ҳикматларидан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**

# ТЎҒРИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛ!

**(Боши 1-бетда)**

Республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бу тадбирнинг аҳамияти, унинг қанчалик самара бергани ҳақида гапирар экан, жумладан шундай деди: "2 йил аввал бошланган бу тадбир бугун ўзини оқлади. Тадбирни бошламасдан илгари биз кўпгина мулоҳазаларга борган эдик. «Соғлом авлод йили»да «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» тадбири ўз самарасини кўрсатди. Ўтган йиллар давомида биз яхши муваффақиятларга эришдик. Мактабларда бу дастур бошланмасдан аввал чеккан, дастурда иштирок этгандан сўнг чекишни ташлаган ўқувчилар сони 10-15 фоизга ортди. Дастурдан биз манфаатдор бўлдик ва фойда кўрдик».

Йиғилганлар дастурни таълимий-тарбиявий дастур деб эътироф этишди. Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси раиси Ҳ.Абдураимов: "3 та мактабдан бошланган тадбир, бугун республикамизнинг барча вилоятларига ёйилди ҳамда ижобий натижа берди. Биз "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" шиори остида ижодий кўргазма ташкил этдик. Унда ўқувчилар ўзлари ишлаган қўл меҳнати, суратлари орқали кашандаликнинг ёмон оқибатларини очиб бердилар. Бу кўргазмада Бухоро вилояти вакиллари биринчи, самарқандликлар иккинчи ўрин соҳиби бўлишди. Мен "Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон" фирмаси раҳбарларига миннатдорлик билдиришни хоҳлардим. Уларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши сабабли биз тадбирдан кўзланган натижага эришдик", — деди.

Шунингдек "Оила" илмий-амалий маркази раиси О. Мусурмонова, дастур муаллифи Д. Шариповалар ҳам тадбирнинг аҳамияти, унинг натижаси қувончли эканлигини гапирдилар.

Бу тадбир мактаб, маҳалла, ота-онани ҳамжиҳатликка, ҳамкорликка ундовчи омил бўлганлиги ҳам ҳеч кимнинг назаридан четда қолмади.

Кеча сўнггида ўқувчилар ўз концерт дастурларини намойиш этдилар. Дастурни мактабларда олиб борган ўқитувчиларга Халқ таълими вазирлигининг "Фахрий ёрлиғи", сертификатлар, дастурда иштирок этган ўқувчиларга совринлар топширилди.

Кўпчиликнинг кўзига бу дастур сигарет ишлаб чиқарувчи фирманинг, ўз айбини яшириш учун қўллаган усулидек бўлиб кўриниши мумкин. Аслида ҳам шундайдир. Аммо бир нарса равшанки, бу дастурда иштирок этган ўқувчи, эртага улғайгач ҳам фикрида собит туради, сигаретнинг зарарли эканлигини онгли равишда ҳис қилади. Яна ҳам муҳимроғи у шахс бўлиб шаклланади.

Сўзимиз якунида "Ёшлик — бу ижод қилиш, изланиш, муваффақиятларга интилиш даври. Ўйла, излан мустақил равишда тўғри қарор қабул қилишни ўрган деган даъватни келтирамиз. Хулоса эса Сизлардан.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА**

## QUTLOV



*Муҳтарам Жамила АБРАМАТОВА!*

*Умрингизнинг 50-баҳорида сизни кутлар эканмиз, Сизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз. Устозу шогирдларингиз ҳамда фарзандларингиз бахтига соғу саломат бўлинг. Ижодий ишингизда зафарлар тилаймиз.*

**Термиз туманидаги 16-мактаб жамоаси ҳамда оила аъзоларингиз**

## Sport maydonchasi

### ФУТБОЛЧИЛАРГА "НЕКСИЯ"

**"Хоразм" жамоаси ўтган мавсумда сезиларли ютуққа (7-ўрин) эришганлиги учун уч футболчи "Нексия" автомобили билан мукофотланди. Булар Аркадий Чечельницкий, Станислав Моргулис ва Сергей Силинлардир.**

### КУРАШ ДАВОМ ЭТМОКДА

**Сидней олимпиадасига юртдошларимиздан 35 спортчи йўлланмани қўлга киритиб бўлди. Энг кўп енгил атлетикачилар — 11 та, боксчилар — 8 та йўлланма соҳиби бўлишган. Саралаш ўйинлари ҳали давом этмоқда. Бундан олдинги Атланта олимпиадасида ўзбекистонлик 76 спортчи иштирок этган эди.**

### ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

**Ўзбекистон кубоги чорак финалининг дастлабки учрашувлари бўлиб ўтди: «Пахтакор» — «Насаф» — 1:1, «Нефтчи» — «Семурғ» — 4:0, «Самарқанд - Динамо» — «Сўғдиёна» — 7:0, «Навбаҳор» — «Дўстлик» — 2:2. Жавоб ўйинлари эртага бўлиб ўтади.**

### ЯНА ЎШАЛАР

**АТР йўналишида навбатдаги рейтинг натижалари эълон қилинди. Яна аввалгидек, уч теннис юлдузи — Агасси, Сампрас ва Кафельников шу тартибда кучли учликни ташкил этди. Тўртинчи ўринни бизга "Президент кубоги" орқали таниш бўлган Николас Кифер эгаллаб турибди.**

### НАВРЎЗ ҲАММА УЧУН

**жумладан, футболчилар учун ҳам байрам. 21 март куни Наврўз байрами юртимизда катта тантаналар билан нишонланиши сабабли, шу куни бўлиб ўтадиган IX миллий чемпионатимизнинг 2-тур учрашувлари 22 мартга кўчирилди.**

## Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети Сиртқи бўлим талабалари диққатига!

***Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва туманлар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари диққатига!***

***Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети ректорати барча сиртқи бўлим талабаларининг 1999-2000 ўқув йили ёзги сессияси машғулотлари қуйидаги муддатларда иловадаги жадвалга асосан ўтказилишини маълум қилади.***

***Ректорат талабаларга ёзги ўқув сессиясига ўз вақтида етиб келишлари зарурлигини таъкидлайди.***

***Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-49-53, 55-55-67, 55-92-17.***

**Университет ректорати**

**1999-2000 ўқув йилида Низомий номидаги ТДПУ сиртқи бўлими талабалари ёзги сессиялари жадвали**

| № | Факультетлар | Курслар | Сессия муддати | Давлат аттестацияси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Физика-математика | I-II<br>III-IV<br>V | 1.06-21.06<br>1.06-30.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 2. | Табииёт фанлари | I-IV<br>V | 1.06-30.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 3. | Касб таълими | I-II<br>V | 1.06-21.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 4. | Бадиий графика | I-III<br>IV | 1.04-21.04<br>1.04-30.04 | 1.07.-30.07 |
| 5. | Ўзбек тили ва адабиёти | I-II<br>III-IV<br>V | 1.05-21.05<br>1.05-30.05<br>1.05-30.05 | 1.06-30.06 |
| 6. | Чет тиллар | I-III<br>IV<br>V | 1.05-21.05<br>1.05-30.05<br>1.05-30.05 | 1.06-30.06 |
| 7. | Тарих | I-II<br>III-IV<br>V | 1.06-21.06<br>1.06-30.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 8. | БТ ва дефектология | I-III<br>IV<br>V | 1.06-21.06<br>1.06-30.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 9. | Педагогика ва психология | I-II<br>III-IV<br>V | 1.06-21.06<br>1.06-30.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |
| 10. | Мусиқа | I-III<br>IV | 1.06-21.06<br>1.06-30.06 | 1.07.-30.07 |


The MINISTRY OF PUBLIC EDUCATION
and
the OPEN SOCIETY INSTITUTE – UZBEKISTAN

**is pleased to announce a contest for participation in the**

**Summer Camp**
for Secondary School English Language Teachers

The intensive two-week language development and ELT methodology-training course will be held from 28 June till 12 July.

**Eligible candidates**

- **English language teachers of secondary schools with at least two years of professional experience**

***Interested applicants should fill out Application Forms and attach***

- **reference from the work-place certifying the duration of employment**
- **statement of purpose written in English (not longer than 1 page)**
- **letter of recommendation**
- **sample demonstration lesson**

*Applications should be submitted to the Open Society Institute*
***no later than 30 April***

For Application Forms and additional information please contact OSI-Uzbekistan at:
31 Zarbog Street, Tashkent 700031 (near hotel *Rossia*).
Tel/fax: (371) 1206854, 1522741
E-mail:sayora@osi.freenet.uz / svetlana@osi.freenet.uz


## Xullas...

### ШПРИЦГА ШПРИЦ ВА ЯНА...

Санкт-Петербург шаҳрида гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлган шахслар фойдаланган шприцлар ўрнига янгисини алмаштиришлари мумкин. Шприцлар текин. Бу ёғи қизиқ бўлди-ю, дерсиз...

Ҳа, чиндан ҳам ҳазм қилиб бўлмайдиган ҳол. "Франция шифокорлар олами" деб номланган халқаро ташкилот гиёҳвандликнинг инсон танасига салбий таъсирини акс эттирган турли брошюралар ва акцияларни чиқарди. Бу ташкилот аъзолари махсус автобусларда юриб, шприцга шприц ва унга қўшиб ўз брошюра ҳамда акцияларини тарқатмоқда. Зора бундай саъй-ҳаракат натижасида гиёҳвандлар камайса...

### 3 ЯШАР БОЛАДАГИ ҚУВВАТ

Жаноб Питер Ван Гроот электр устарада соқолини қирмоқда эди. Тасодифан устара "жимиб" қолди, чироқ эса ёниқ. Бу ҳолат ваннага кириб, лаҳзада қайтиб чиққан 3 яшар боланинг ҳаракатлари билан боғлиққа ўхшаб туюлди. Ота болани ваннага чақирди. Ва шунда яна устара шитоб билан ишлаб кетди. Лео чиққач, яна тўхтади. Ажабо! Бунда қандай сир бор экан?

Мутахассислар текширувидан ўтган бу болада электромагнит тўлқинлар меъёридан зиёдроқ эканлиги маълум бўлди. Шу боис ваннага кирганда тўлқинлар устарани тезликда ҳаракатга келтирган. Чиққанида эса ўша тўлқинлар боланинг ўзи билан "юради", устара эса кучсизланиб ўчиб қолар экан.

Жуда сирли ҳодиса...

Тадқиқотчилар одамдаги электр токидан ҳам устун турувчи электромагнит тўлқинлар хусусиятини ўрганишга киришдилар...

### КЕНГУРУ УЧУН СИМТЎСИҚ

Австралияда содир бўлган кучли жала оқибатида сув тошқини кузатилди. Дарё сувлари қирғоқларни кўмиб, ўтлоқларни ҳам қоплаб олди. Яхшиямки, тошқин турар жойларга хавф солмади.

Аммо ҳайвонлар ҳаёти ҳақида қайғурмай илож йўқ. Сув балосида қолган кенгурулар учун симтўсиқ қилинди. Чунки кенгурулар сузишни билишмайди. Тўсиққа олд оёқлари билан тирмашиб чиқиб, қирғоққа етиб келса, марра уларники...

### КОМИССИЯ ЧИҚАРГАН ХУЛОСА

Нижний Новгород маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи ходимлари томонидан ўтказилган сўровнома натижалари ҳайратомуз бўлиб чиқди. Имтиҳон қилинган 1870 нафар лавозимдор шахслардан 640 нафари жиддий таъна-дашномларга дуч келди. Шунингдек, комиссия 450 нафар хизматчининг малакаси кам, деган хулосани чиқарди. Ташкилий-ҳуқуқий ишлар департаменти директори муовини Татьяна Малкинанинг сўзларига кўра, шаҳар ҳукумати маҳаллий олий ўқув юртлари билан шартнома тузди. Унда идора, бирлашма, компания, яна аллақайси маҳкама бошлиқлари малака ошириши қайд қилинган.

**ana shunaqa gaplar...**

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси институт ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари номзоди, доцент Т.Сагдиевга падари бузруквори **АҲМАДЖОН ака**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт "Умумтехника" факультети декани, техника фанлари номзоди, доцент А.Якубовга волидаи муҳтарамалари **ҲОЖИНИСО она** ва қайноналари **ҚАМБАРХОН ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати ва физика-математика факультети жамоаси "Математика ва уни ўқитиш методикаси" кафедрасининг катта ўқитувчиси Феруза Сайдалиевага онаси **Музайям ая САЙДАЛИЕВА** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати*: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-197. Тиражи 50.041.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
*«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.30.